

## ОТ ОБРАЗИ ВА МИФИК ҚАНОТ ДЕТАЛИ ТАЛҚИНИГА ДОИР

Абдумурод Холмуродович ТИЛАВОВ

филология фанлари номзоди, доцент в.б.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

## ОБ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ОБРАЗА ЛОШАДИ И КРЫЛА

### КАК ДЕТАЛИ МИФА

Абдумурод Холмуродович ТИЛАВОВ

Кандидат филологических наук, и.о. доцента

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

Ташкент, Узбекистан

## THE INTERPRETATION OF THE IMAGE OF A HORSE AND A WING LIKE THE DETAILS OF A MYTH

Abdumurod Kholmurodovich TILAVOV

Candidate of Philological Sciences, Lecturer

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature

Tashkent, Uzbekistan [a.tilavov@mail.ru](mailto:a.tilavov@mail.ru)

---

UDC (УЎҚ, УДК): 82:398

For citation (иқтибос келтириш учун,  
для цитирования):

Тилавов А.Х. От образи ва мифик қанот детали талқинига доир //Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 1 (36). — Б. 282-289.

<https://doi.org/10.36078/1619695638>

Received: December 09, 2020

Accepted: February 15, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек халқ оғзаки ижодига мансуб достонлардаги от образи ва от билан боғлиқ муҳим детал — қанот ҳақида сўз юритилади. Қанот деталининг эпик асаардаги ўрни ва ахамияти кай даражада муҳим эканлиги достонлардан олинган муҳим парчалар, халқ орасида шуҳрат топган афсона ва ривоятлар ёрдамида тадқиқ килинади. Қанотли туллор, учар от сингари образларнинг эпик сюжетга шунчаки муболагали тасвирларни кўплаш мақсадида эмас, балки муайян мақсадни кўзлаб киритилиши, кўп ўринларда уларнинг халқ мифик тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқлиги, қанот детали олиб ташланган ўринларда эпик асар мазмуни ва бадииятига футур етиши мумкинлиги далиллар ёрдамида очиб берилади. Муаллиф ўз фикрларни далиллашда, асосан, Алпомиши эпосидаги Бойчиборнинг пойгада қанот чиқариб учиш ҳолатига эътибор қаратиб, жиддий таҳлиллардан сўнг илмий хуласаларга келади. Достонларда тасвирланган қаҳрамоннинг отини исталган ўринда қанотсиз тасаввур килиб бўлмаслиги, отдаги бу қанотнинг ва умуман, бу каби мифик белгиларнинг истифода этилиши бежиз эмаслиги, ушбу белгилар достон учун муҳим детал бўлиб хизмат килиши ҳақидаги фикрлар асосланиб, умумлаштирилади.

**Калит сўзлар:** достон; детал; бахши салоҳияти; мифологик асос; халқ эртаклари; учар отлар.

**Аннотация.** В статье рассматривается изображение лошади в узбекском фольклоре и важная деталь, связанная с лошадью, — крыло. Важность и место детали крыла в эпическом произведении раскрывается с использованием важных отрывков

из эпоса, легенд, популярных в народе. Тот факт, что такие изображения, как крылатый тулпар и летающий конь, включены в эпический сюжет не только для определенной цели, но во многих местах они тесно связаны с мифическими представлениями людей, показывает, что деталь крыла может футуризировать содержание и искусство эпоса. В поддержку пунктов, сделанных в статье, сделан более подробный анализ ситуации полета Бойчибора в эпосе «Алпомыш». В заключении говорится, что героического коня в эпосе нельзя представить без крыльев и что крыло коня вообще имеет мифический характер, которое является важной эпической деталью.

**Ключевые слова:** эпос; деталь; потенциал бахши; мифологическая основа; народные сказки; летающие лошади.

**Abstract.** The article deals with the hero of the horse in Uzbek folklore and an important part of the horse — the wing. The role of the wing detail in the epic work is explored using important passages from the epics, popular myths and legends. The introduction of the images of the winged tulpar and the flying horse into the epic plot is closely connected with the mythical imaginations of the people. The study highlights that the wing detail can futurize the content and art of the epic. The analysis of Boychibor's wing-flying case in the Alpomish epic has been made. According to the author, the heroic horse in the epics cannot be imagined without its wings, and that the wing of the horse, in general, has mythical characters, which are important details for the epic.

**Keywords:** epic, detail, bakhshi potential, mythological basis, folk tales, flying horses.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бадиияти ва қўлами жиҳатидан дунёдаги ҳар қандай халқ фольклори билан бемалол бўйлаша оладиган бебаҳо маънавий меросдир. Бу борада, айниқса, халқ достонларининг аҳамияти бекиёс. Уларда қўлланилган ҳар бир сўз, ҳар бир жумла Одам Атодан буён келаётган “улкан билим” ила узвий боғланган ва унинг кодларини ўзида мужассам килган. Шу боисдан достонларимиздаги қаҳрамонлар, образлар ҳақида фикр юритар эканмиз, улар билан алоқадор энг нозик жиҳатларга ҳам эътибор беришимиз тўғри бўлади. Хусусан, от образи ва унинг қанотли ҳолда тасвирланиши ҳам шу жумладандир.

Достонлардаги жанговар от образига хос мифик белгилардан бири, бу —отнинг күш билан боғлиқ ҳолда тасвирланиши, аниқроғи, қанотли эканлигидир. От образининг бадиийлигини таъминлашда биргина деталнинг нақадар аҳамиятга эга эканлигини, инчунун, халқ бахшининг тафаккур салоҳияти, бадиий маҳоратини кўрсатиш учун эпик отда мавжуд мана шу хусусият ҳақида имкон қадар таҳлил қилишни ушбу мақоламизнинг бош мақсади қилиб олдик.

Қанот отда ҳар вақт кўринавермайди. Қаҳрамон ва оти мушкул аҳволда қолганда, отнинг талаби билан унинг баданига эгаси томонидан “симдай ботиб кетгувчи” қамчи урилади ва от кўкка кўтарилади. Қанот душман ўқидан сақланишда ва асосан, пойгада “қўл келади”.

“Алпомиш” достонида Барчинойнинг биринчи шарти — ораси кирқ кунлик йўл бўлган Бобохон тогигача от билан пойга қилиш эди. Кўкалдошлар шартни бузиб, Қоражон ва отини боғлаб, Бойчиборнинг туёғига гулмих қоқадилар. “Боғланган банд”дан халос бўлиб, хафа

турган Қоражонга от (аслида, Ражабхўжа эшон. — А.Т.) далда беради, уни жасоратга ундейди:

*Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,  
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,  
Қолдим, деб Қоражон, сира гам ема.  
Жабр қилгин бундай ҳайвон жонига,  
Қамчи ургин гўшт кўтарган сонига,  
Етказарман Бойсин-Қўнғирот хонига... (1, 113).*

Қоражон “жабр қилгач”, Бойчиборнинг тўрт яrim газ қаноти ёзилиб, “яшиндай бўй” кўтарилади ва пировардида Бойчибор от ваъдасининг устидан чиқади.

Қанотли от мотиви қардош халқлар оғзаки ижоди учун ҳам характерли ҳодиса. Масалан, бошқирд халқ достони “Урал Ботир”да бош қаҳрамоннинг Оқ бўз оти ҳам қанотли тулпордир (3, 318). “Авазнинг арази” номли туркман халқ достонида эса Фиротнинг отаси “оқ қушдан” эканлиги Гўрўғли тилидан айтилади (8, 275).

Аввало, эпосдаги қанотли отнинг мифик асосларини очишга ҳаракат қиласиз. Қадим аждодларимиз отларнинг қуш каби учишига ишонгандар. Бу мифик тасаввурнинг изларини туркийлар яшаган ҳудудларда олиб борилган қазилма ишлари натижалари кўрсатмоқда. Пазириқ қўргони ва Бухоро яқинидаги Варахша қўргонидан, Мир Араб мадрасаси ёнидан чиқкан қанотли от ҳайкаллари ва Самарқанддаги Афросиёб қўргони деворларидағи қанотли от тасвиirlари ҳақда ишимизнинг биринчи бобида тўхталгандик. В. Радлов олтойлар ютига яқин бўлган эски турк қавмларининг ilk юрти деб билган Кам (Енисей) бўйларидағи Абакан (Миннусинск)да олиб борилган қазиши машиналари давомида тош, суюқдан ишланган бир неча ҳайвон фигуранарини топган. Бронза ва тунж даврига оид деб кўрсатилаётган<sup>1</sup> бу топилмалар орасида йиртқич қуш бошли отлар ҳам бор. Айни пайтда бу топилмалар Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Достонлардаги бу мотивнинг илдизлари, фикримизча, кўп жиҳатдан отнинг асли қанотли эканлиги ҳақидаги афсона-ривоятларга ҳам бориб тақалади. Масалан, Онадўлидаги абдал турклари орасидаги бир афсонага кўра, от бир замонлар ҳам қанотли, ҳам сузиш узвларига эга бўлган муқаддас маҳлукот бўлиб Қоф тоги (Кўхи Қоф) орқасидаги сут кўлида яшаган. Ўлимга чора қидириб юрган Хизр алайҳиссалом бир кун бу отларни кўриб қолади ва уларни тутишга ҳаракат қиласи. Уддалай олмагач, кўлга шароб қўйиб отларни бехуш қиласи, қанотларни синдириб ташлайди ва бу отларни ер юзига келтириб кўпайтиради.

Хоразм вилоятидаги Хазорасп туманининг халқ этиологияси билан боғлик афсонада ҳам айни шу мазмунни қўрамиз. Айтишларича, мингта учар отни (таъкид биздан. — А.Т.) тутиб олиш учун бу отлар сув ичиб кетадиган булоқ сувига бехуш қиласидиган дори солиб қўядилар. Дориланган сувдан ичган отлар хушини йўқотиб, кўлга тушадилар. Отларнинг қанотларини қирқадилар ва инсонларга хизмат қилишга мажбур қиласидилар. Шундан кейин бу жой минг от маъносидаги “Хазорасп” номи билан аталади.

<sup>1</sup> Олимлар тунж даврининг милоддан аввалги 2500 йилларда бошланишини қайд этишган.

Авшар турклари ҳам отнинг асли қанотли бўлиб, Одам Ато билан бирга ерга тушганлигига ишонишади. Гўёки Одам Ато бу суюкли ҳайвон қайтадан кўкка учиб кетмасин, деб унинг қанотларини қирқиб ташлаган экан. (Хоразм вилояти, Хазорасп ноҳиясидаги бир қишлоқ номи “Авшар” деб аталади).

Туркий халқлар орасидаги машхур “Оқ бўз от” ва “Кўк бўз от” афосонасида отларнинг учиш қобилиятига эга бўлганлигини бу ўринда яна бир бор эслатиб ўтамиш. Озарбойжон фольклоршуноси М. Сейидов эса, Гиротнинг олов-ўтдан қаноти борлиги, инсоннинг “кўзи тегиб”, бу қанотлар эриб кетганлиги ҳақида ривоят мавжудлигини айтади (9, 39).

Фикримизча, достонларимиздаги отнинг қанотли бўлишида аждодларимизнинг от ҳақидаги мифик тасаввурлари, чунончи, бу тасаввурлар асосида вужудга келган юқоридаги каби афсона, ривоятларнинг таъсири бор.

Достонлардаги отнинг қанот ёзиб кўкка сапчиши, елдек учиб, қаҳрамонни манзилига етказишига доир тавсифу тасвиirlарни бир жиҳатдан муболага, ўхшатиш каби бадиият воситалари билан боғлаб талқин этиш, иккинчи томондан, туркийларнинг қадимги мифологик дунёқараси асосларидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил қилиш ҳам мумкин. Юқоридаги қарашларимиз буни исботлайди.

Биз кузатишларимиз давомида кекса чавандозлардан отнинг учиши ёки учмаслиги ҳақида сўраганимизда, кутилмаган жавоблар ҳам олдик. Шу жиҳатдан Навоий вилояти, Нурота тумани, Зулқарнайн қишлоғида яшовчи машхур чавандоз Шамшибек Тиллаевдан ёзиб олган куйидаги воқеамиз характерлидир.

Унинг айтишича, бир пайтлар Зулқарнайн яқинида қора рангли, ўта чопкир бир тулпор бўлган экан. У ўзини ҳеч кимга ушлатмас, кимсага тутқич бермас тулпор экан. Ниҳоят, олтмиштacha от билан уни олдиндан тайёрлаб қўйилган “тузоқ”қа ҳайдаб келишибди. От кутилмаганда жуда баланд қоядан сақраб қочибди. Ёш, аммо мерган деб танилган Шамшига отни отиш буюрилибди... Ярадор бўлган от “ҳалол қилиш” учун сўйилганда, тулпорнинг икки қўлтиғи остидан буқланиб ётган қоп-кора қанот чиқибди. Бироқ қассоб кўп ўтмай, оғир касалликка чалиниб ҳаётдан кўз юмибди. Шамси мерган ҳам оғир хасталаниб “бир ўлимдан қайтибди”.

Жиззах вилояти, Фориш туманида содир бўлган ҳодиса ҳам шунга ўхшаш. Бу ердаги жуда машхур от ҳаддан зиёд безовталаనавергач, уни сўйишади ва тогай сүяклари остида қанот ўринларини кўришади. Отни сўйган бу қассоб ҳам тез кунда вафот этади.<sup>2</sup>

Нурота тумани Шомурод қишлоғида ўттиз икки йил фалаж бўлиб ётган етмиш беш ёшли, ўз даврида катта шухрат қозонган Сафар чавандоздан: “От париси ҳақиқатан ҳам борми?” деб сўраганимизда, (чавандоз дудукланиб гапиравди) у бир муддат жим туриб: “Бор-да, бўлмаса учармиди!” деди ва бу мавзуда бошқа гапиришни мутлақо истамади.

Биз ушбу маълумотларни келтириш билан достонлардаги қанот детали реал, ҳаётий асосга эга, деган қатъий холосани чиқармаймиз ва масаланинг бу жиҳатини очиқ қолдиришни маъқул кўрамиз.

Кекса чавандозларнинг гувоҳлик беришича, от олинаётганда, унинг ёнидан эмас, кўпроқ олд тарафидан қараб танланади. Баъзи наслдор, “хислатли” отларнинг кўкраги олдинга анчайин туртиб чиқсан бўлади. Ана шундай отларда “қанот бор”, дейишади. Махмуд Кошғарий бу сифатли отларни “кетки от” деб келтиради.

Хўш, отдаги бу мифик белгининг достон учун аҳамияти борми? X.Зарифов отдаги қанот ҳақида тўхталиб, достонлардаги отга нисбатан эртаклардаги отларда қанот кўпроқ аҳамият касб этишини айтадилар: “Борди-ю, Ғирот билан Бойчиборнинг барча хусусиятларини сақлаб, қанотсиз тасаввур этсақ, асарга ҳеч қандай путур етмайди. Масалан, Бойчиборнинг қаноти пойгачиларга етиб олиш учунгина ёрдам қиласди...” (10, 40). Фикримизча, пойга эпизодида отда пайдо бўлган мифик қанот достондаги бир неча воқеанинг “туғилиши”га сабаб бўлган, бинобарин, қанот детали достон учун катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, жанговар отнинг қанотли ҳолда тасвирланиши достончининг бадиий маҳорати билан ҳам боғлиқ. Фикримизга аниқлик киритиш мақсадида “Алпомиш” достонидаги пойга эпизодини яна бир бор эсга оламиз.

Қоражон “богланган банддан” халос бўлиб, “отнинг устига минди, от оёгини босолмай турди. (Чунки, Кўкалдошлар от оёғига урган гулмиҳлар ялпоқ тизгача кирган эди. — A.T.) Қоражон “Пойгага бекор келган эканман” (1, 116), деб турган эди. У тушкун ҳолатда... Пойгачиларга етиб олишдан умидини тамоман узган. Кўкалдошлар аллақачон йўлда эдилар. Бундай оғир аҳволда отнинг Кўкалдошларга етиб олиши мушкулгина эмас, мумкин ҳам эмас эди. Нима килиш керак? Ҳамма, энди нима бўларкин, деб достонни жон қулоғи билан тинглаб турган ана шундай вазиятда зукко бахши отга қанот “беради”, инчинун, тушкун кайфиятдаги тингловчи психологиясига ҳам таъсири кўрсатади, унинг кайфиятини “жойига туширади”.

Қанот туфайли Бойчибор бир учишида ч ў л г а (таъкид биздан. — A.T.) келиб тушади:

*Кўзин очиб алп Қоражон қаради,  
Ер юзида бедов кетиб боради.  
... Бойчибор боради шундай арқираб,  
Туёғида тўрт сихи бор ярқираб,  
Ирғиганда қўмлар кетди тирқираб,  
Бораётир чўлда шундай ширқираб (1, 137).*

Табиий савол туғилади: нега Бойчибор ўша бир учишда пойга майдонига учиб келмади — қанотдан тўла фойдаланилмади? Тўрт туёғига мих қоқилган Бойчиборга шунча азоб тортишга нима зарурат бор эди?

Бу ўринда бахшининг маҳорати яна бир бор кўринади. Энг аввало, бахши отнинг эгасига накадар содик эканлигини кўрсатмоқчи. Шу билан бирга, чўлдаги қанотсиз пойга давомида отнинг реал ҳаётдаги чопқирилик, эпчиллик, чидамлилик каби хосиятлари намоён бўймокда. Бойчиборнинг қийналганини сезиб турган тингловчининг отга бўлган меҳри янада ошади. Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, агарда Бойчибор от мэррага учиб келганида, Қоражон билан унинг хиёнаткор акаси ўртасидаги шиддатли диалогга, Бойчибор билан рақиб отлари ўртасидаги “чўлдаги кураш” ва Барчинойнинг “Курру-ё, кур ҳайт-а, тўрамнинг оти...” деб бошланувчи илтимос — хитобномасига ўрин қолмасди. Бу учала эпизоднинг достондаги аҳамияти катта ва биз фақат мавзуумизга кўпроқ алоқадор бўлган Барчинойнинг монологи устида тўхталамиз.

Барчинойнинг дард, алам ва ёлвориш ҳиссига тўла эҳтиросли сўзларида унинг характери, мураккаб психологияси намоён бўлади. Энди тингловчи тасаввурида қалмокнинг бири — (Кўкаман)ни

кўқрагидан босиб, “оғзи-бурнидан дирак-дирак қон оқизган” (1, 55) “ботир” Барчиной эмас, ўта мулойим, меҳрибон, садоқатли, вафодор қиз — бахши кўрсатмоқчи бўлган асл идеал образ намоён бўлади. Тингловчи эса, Бойчиборнинг қандай бўлмасин, маррага биринчи бўлиб келишини, Бойчибор Алпомишники бўлишини янада истаб қолади. Бизнинг бу ҳақда гапиришимизнинг боиси шундаки, худди шу эпизодда ҳам жанговар отобрази асосий ролни ўйнайди. У Барчиной руҳиятини очиб беришда ёрдамчи восита бўлиб хизмат қиласди. Чунки Барчинойнинг Барчинойлигини, унинг “руҳий олами, маънавий ва ақлий мукаммаллиги, ўз бахти учун кураша оладиган маъшука”лигини унинг отга қаратаган гапларидан билиб оласиз (7, 25). Унинг вафодорлиги, садоқати қизнинг отга бўлган садоқати, вафоси, чексиз хурматида кўринади:

*Курру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!  
Оқ тўшим — яйловинг, сочим — шипиртки.  
Куйганимдан гапни гапга улайн,  
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин.  
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,  
Сабаб бўлиб қўшигин денги-дўшима.  
Олмосдай түёғинг қордай тўшима,  
Курру-ё, қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!  
Ўйилмай куймасин кулбаи хонам,  
Оҳ уриб йиглайди мендайин санам...*

Шу эпизод орқали бахши нафакат Барчинойнинг, балки инсоннинг, хусусан, халқимизнинг отга бўлган хурмати, садоқатини зўр санъаткорона йўл билан тасвирлай билган. Рус фолклоршуноси Б.Кармишева лақай (ўзбек) мақолларидан бирини (*Бир кунлик умринг бўлса, отинг, / Икки кунлик умринг бўлса, хотининг бўлсин.*) келтириб шундай дейди: “Лақайлар отни шунчалик севардилар ва идеаллаштирадиларки, уларнинг ота-боболари учун от худди хотин ва болаларидек қимматли, азиз эканини ҳозир ҳам айтишади” (6, 109). Юқоридаги эпизод ана шу севгининг достондаги гўзал бадиий ифодасидир.

Бахши пойгода Бойчиборни қанотсиз ҳам “ўздириши” мумкин эди. Аммо у ҳолда тингловчида қаҳрамон отига нисбатан ишончсизлик туғиларди. Кўраяпмизки, бахши достон айтиш баробарида тингловчини ҳам унтиб қўймайди.

Бойчибор отнинг ора ўйлача учиб келганлигига яна икки сабаб бор, ўйлашимизча. Биринчи сабаб: маълумки, ўтов атрофи — маррада пойгачиларни гўзал Барчиной ва муҳими халқ кутиб турар эди. Айни пайтда, Бойчибордек донғи кетган отнинг “осмондан тушиши” унинг шаънига, колаверса, эгасининг обрўйига тўғри келмасди. Бунинг устига, бу ердагилар Кўкалдошнинг шартни бузганлиги-ю, хиёнатидан бехабар эдилар. Бойчиборда қанотнинг пайдо бўлиши, маълум маънода хиёнатгаadolatnинг аччиқ жавоби бўлди. Иккинчи сабабини изоҳлашдан олдин фикр юритаётганимиз пойга эпизодидан яна бир парча келтироқчимиз:

*Яшиндай бўп опкетибди Бойчибор,  
Мени кўкка олиб кетди жонивор.  
Коражонман, бунда кўнглим бузилди,  
Ёлғончи дунёдан ризқим узилди.  
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди.*

*Бориб кўролмайман мен ўсган элди,  
Бу отнинг кўнглига бир шумлик келди...  
Мени кўкка олиб кетиб боради,  
Бошларим айланаб кўзим тинади...*

Ҳа, от кўкка учгач, Қоражон қўрқди, боши айланана бошлади, кўз олди қоронгилашиб, ўлими яқинлашганини ўйлади (4, 355).

От шу тарзда “яшиндай бўй” учиб кетаверса, Қоражон отнинг устидан йиқилиб тушиб халок бўлиши мумкин эди. Эгасининг аҳволини сезган<sup>3</sup> Бойчибор ерга эртароқ тушишга мажбур бўлди. От учун Қоражоннинг хаёти ўз жонидан-да афзал, шунинг учун ҳам у ҳар қандай қийноққа дош беришга тайёр. Вокеаларни бир-бири билан бояглаб, дурдек териб чиқкан халқ бахшисининг қувваи ҳофизаси, бадиий маҳоратининг яна бир тазоҳурир бу.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, достонлардаги қаҳрамон отини исталган ўринда қанотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Отдаги қанотнинг, умуман, мифик белгиларнинг бўлиши ҳам бежиз эмас. Бу белгилар достон учун муҳим детал бўлиб хизмат қиласи.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алпомиш / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли / Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. — Тошкент: Ўқитувчи, 1987. — 336 б.
2. Асотирлар ва ривоятлар / Тўплаб нашрга тайёрловчилар: М.Муродов, М.Шайхова. — Тошкент: Ёш гвардия, 1990. — 128 б.
3. Башкирский народный эпос. — М.: Наука, 1977. — 519 с.
4. Жирмунский В.М., Зарифов Ҳ.Т. Узбекский народный героический эпос. — М.: Гослитиздат, 1947. — 520 с.
5. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. — Тошкент: Ўқитувчи, 1990. — 304 б.
6. Кармишева Б.Х. Узбеки локайцы южного Таджикистана. Ист.-этногр. Очерк животноводства в дореволюционный период. — Сталинабад: Изд-во АН Тадж.ССР, 1954. — Вып. 1. — 228 с.
7. Мадаев О. Алпомиш достонининг матнини ўрганиш методикаси. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги. — Тошкент, 1998. — 48 б.
8. Оvez ойкелэн / Гороглы. Туркмен гахраманчылик эпосы. — М.: Наука, 1983. — 806 с.
9. Сейидов М. Гызыл дојишчунун сој — етник галеји хаггында // Улдуз журнали. — 1980. — №10. — 128 б.
10. Форишдаги қанотли отлар / Сирли олам.—1990. — №3. — 112 б.
11. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. — М.: Издание МГУ, 1948. — 320 с.

### References

1. *Alpomish*, Preparing for publication T. Mirzaev, Tashkent: Ukituvchi, 1987, 336 p.
2. *Asotirlar va rivoyatlar* (Complications and Legends), Collection and preparation for publication: M. Murodov, M. Shaikhova, Tashkent: Yosh gvardiya, 1990, 128 p.
3. *Bashkirskii narodnyi epos* (Bashkir folk Epic), Moscow: Nauka, 1977, 519 p.

<sup>3</sup> М.Муродов, М.Зуфаровлар отнинг сезгириллиги асосида ҳам мифологик код ётганлигини қайд этишади.

4. Zhirmunskii V. M., Zarifov H. T. *Uzbekskii narodnyi geroicheskii epos* (Uzbek Folk Heroic Epic), Moscow: Goslitizdat, 1947, 520 p.
5. Imomov K., Mirzaev T., Sarimsokov B., Safarov O. *Uzbek khalk ogzaki izhodi* (Oral Creativity of Uzbek people), Tashkent: Ukituvchi, 1990, 304 p.
6. Karmisheva B. Kh. *Uzbeki lokaitsy yuzhnogo Tadzhikistana. Ist.-etnogr. Ocherk zhivotnovodstvav v dorevolyutsionnyi period* (The Uzbeks are the Lokai of Southern Tajikistan. An essay on Animal Husbandry in the Pre-Revolutionary Period), Stalinabad: Izd-vo AN Tadzh.SSR, 1954, 228 p.
7. Madaev O. *Alpomish dostonining matnini urganish metodikasi* (Method of Studying the Text of the Epic of the Alpomish), Tashkent, 1998, 48 p.
8. Ovez O. *Gorogly, Turkmen gakhramanchylik eposy* (Gorogly, a Turkmen Heroic Epic), Moscow: Nauka, 1983, 806 p.
9. Seiidov M. *Ulduz zhurnali*, 1980, No.10, 128 p.
10. *Sirli olam*, 1990, No.3, 112 p.
11. Tolstov S.P. *Drevnii Khorezm* (Ancient Khorezm), Moscow: Izdanie MGU, 1948, 320 p.